

Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим, Фан  
ва Инновайялар Вазирлиги  
«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари  
институти» МТУ

«Давлат кадастрлари» кафедраси

Давлат шаҳарсозлик кадастри фанидан

# МАЪРУЗА

**Мавзу - 14: Аҳоли яшаш жойлари ҳудудларини солиқقا тортиш зоналарига  
бўлиш ва ҳудуднинг нисбий қиймати коэффициентини аниқлаш**

**Катта ўқитувчи Ашурев А.**

**Тошкент 2023**

**Ер солиғи ва солик зоналарига  
бұлиш, солик ставкалари  
коефициентиларини аниклаш.  
коефициентінің ішінің яникілігі**

# Режа:

- Ер солиғининг аҳамияти.
- Ер солиғини амалга оширилишида қилинаётган ишлар.
- Худуднинг нисбий қиймати коеффицитини аниқлаш.

Маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари ҳаракатдаги қонунчиликка асосланиб ер муносабатларини мувофиқлаштиришнинг бозор меҳанизимидан фойдаланганлари ҳамда маҳаллий бюджетнинг бир қисмини аҳоли пунктларининг инфратузилмасини ривожлантиришга, ер майдонларини йўқлама қилишга, ер кадастри маълумотларининг ахборот базасини яратиш ва юритишга йўналтирадилар.

Бундай ахборотлар базасини кўчма мулкнинг барча элементларини рўйхатга олиш ҳамда миқдор ва сифат ҳисобини юритиш-га имкон бериш билан бир қаторда ердан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф қилишга тўловларнинг ҳақиқий даражасини белгилашда асосий мезон бўладиган ерни ва у билан узвий боғлиқ кўчмас мулкларнинг қийматини баҳолашга ҳам имкон беради.

Анчагина катта миқдордаги пул ҳаражатларини ва вақт сарфини талаб қилувчи ер кадастрини автоматлаштирилган давлат тизими яратилганига қадар маҳаллий бошқарув органларини бозор муносабатларини мувофиқлаштириш, айниқса кўчмас мулк сифатидаги ерларни солиққа тортиш бўйича фаолияти асосан натижаларга таянган.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”га биноан аҳоли пунктларининг жойлашган иқтисодий регионига ҳамда аҳолисининг сонига қараб шаҳарлар, посёлкалар (шаҳарчалар) ерларига ер солиғининг ўртача ставкалари белгиланган. Ушбу кодексда қайд қилинадики, бу солиқларниң ўртачаси жойлашган ўринларига ҳамда ҳудуднинг турлича шаҳарсозлик аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда турли миңтақаларга биноан маҳалий ҳокимият органлари томонидан табақаланади.

Аҳоли пунктларининг ҳудудлари бўйича ер солиғи ставкаларини табақалаштириш бу ердаги аҳолидан юридик шахслар ва фуқаролар хисасини аниқлагани ҳамда аҳоли пункти ҳудудини солиққа тортишда муҳим рол ўйнабгина қолмасдан балки, ернинг иқтисодий (меъёрий) баҳосига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Маълум жойга ва сифатга эга бўлган ер участкаси қийматини тавсифлайдиган бу кўрсаткич ерни мулк қилиб беришда ер муносабатларини иқтисодий жиҳатдан мувофиқлаштиришни таъминлаш, васият, совға қилиш ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш асосида банк кредитини олиш учун Узбекистон Республикасининг қонунлари билан киритилган.

Шу сабабли ҳам ерга бозор баҳоси тўғрисидаги ахборотларни, бугунги кунда қатор сабабларга кўра ноаниқлиги ва нотўғрилиги шароитида аҳоли пункти ҳудудлари ер солиғи ставкалари ерларининг баҳоси бўйича минтақалаш ва табақалаштириш ер бозори аста секинлик билан такомиллашаётган даврда ер муносабатларини мувофиқлаштиришда маҳаллий ҳокимият органларининг энг биринчи ва зарур қарорлари деб ҳисоблаш мумкин.

**Аҳоли пунктларининг Ҳудудлари бўйича ер солиғи ставкаларини табақалаштириш аҳоли пункти объектларига ўнғайлиги, Ҳудуднинг алоҳида экологик белгилари Ҳисобига амалга оширилади.**

**Аҳоли пунктларининг Ҳудудий миңтақалашнинг мавжуд услубияти қўйидаги ўзаро боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишни кўзда тутади:**

анчагина аниқлашган табақалаштириш мақсадида аҳоли пункти Ҳудудини баҳолаш участкаларига бўлиш;

ҳар бир баҳолаш участкаси учун баҳолашга таъсир кўрсатувчи омиллар рўйхатини белгилаш ва участкаларнинг қандай қимматлилигини умумий коефитцентини Ҳамда аҳоли пунктнинг Ҳудуд бўйича ер солиғининг ўртача ставкасига табақалаштириш коефитцентини Ҳисоблаш.

берилаётган имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун Қонун хужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан тадбиқ этилади.

Эгалланган уй жойлар билан банд ерлар баҳолаш участкаларига бўлинади. Унинг чегаралари қуийдагилар бўлиши мумкин: табиий чегаралаш (рельефнинг аниқ акс этган элементлари дарёлар, ирмоқлар, жарликлар ва бошқалар) йирик инженерлик чизиқли иншоатлар эгаллаган чегаралар ( темир йўллар, магистрал автойўллар , магистрал ва катта кўчалар), корхоналарнинг чегаралари, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг ерларинининг чегаралари , бир хил типдаги уй-жойлар бинолари ( томорқа ерларисиз кам қаватли уй-жой бинолари, кўп қаватли секцияли 3-5 қаватли, қўп қаватли секцияли 6-9 қаватли ва бошқа уй-жойлар) ҳудудларининг чегараси. Аҳоли пункт ҳудуди уй-жой қурилишларидан ташқари транспортга ўнғайли шароити бўйича табақалаш учун ҳам баҳолаш участкаларига бўлинади. Шу билан бир қаторда аҳоли пункти чегарасида боғдорчилик жамиятлари ва ширкатларини жойлаштириш учун ҳам ер участкалари ажратилади.

Худуднинг нисбий қийматини оширувчи ёки пасайтирувчи коэффицентлар Қуйидаги омилларни Ҳисобга олган Ҳолда аниқланади.

- Шаҳар марказига умумшаҳар аҳоли яшашга молик бўлган маданий ва майший хизмат кўрсатиш объектларига аҳолининг Қулай яшаши шароитларининг мавжудлиги;
- Ҳудудни марказий инженерлик коммуникациялари билан жиҳозланганлиги ва ободонлаштирилганлиги;
- Микро район, мавзе ёки маҳалла аҳоли яшашга эга бўлган бошқа лойиҳалаш чегарасида аҳолига маданий-майший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражаси;
- Биноларнинг тарихий қиймати, Ҳудуднинг эстетик ва ландшафтлилик қиммати;
- Атроф муҳитнинг ҳолати, санатория шароитлари;

Ўзбекистондаги барча шаҳарлар ва шаҳарчалар солиқ бўйича турли миқдордаги минтақаларга бўлинган. Жумладан, Тошкент шаҳри 5 минтақага ва республика аҳамиятидаги шаҳарлар 4 минтақага ва бошқа шаҳар ва шаҳарчалар эса 2-3 минтақага ажратилган. Ҳар бир минтақанинг чегараси шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланган.

**Ер солиғи ставкаларини белгилаш бўйича ва уларни юритишни тартибга солиш бўйича Республикамиздаги қуидаги Кодекслар, Қонунлар ва йўриқномалардан фойдаланилади:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ЕР КОДЕКСИ. ЎзР 30.04.1998 й. 598-I-сон Қонуни билан тасдиқланган ва ЎзР 30.04.1998 й 599-I-сон Қарори билан амалга киритилган.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИ. ЎзР 24.04. 1997 й. 396- I-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎзР ОМ 24.04.1997 й 397-I- Қарори билан амалга киритилган (1998 й 1 январдан кучга кирган) ( Кодексда қуидагиларга биноан ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 01.05. 1997 й 485-I-сон Қонуни, ЎзР 26.12.1997. й 597-I-сон Қонуни, ЎзР 01.05.1998 й 621-I-сон Қонуни, ЎзР 29.12.2006 й ЎРҚ-74-сон Қонуни, ЎзР 02.01.2007. й ЎРҚ -75-сон Қонуни).**

**ЎзР Адлия Вазирлиги томонидан 27.03.2002 й. 1118-сон билан рўйхатга олинган ЎзР Молия Вазирлиги ва ДҶСнинг 2002 й 21 январдаги 19 ва 2002-20-сон Қарори билан тасдиқланган ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА (янги таҳрирда)**

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер  
участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан  
фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган  
тақдирда, ер солиғи ставкалари ёмонлашувига  
қадар белгиланган ставкалар бўйича  
ундирилади. Шаҳарлар ва шаҳар  
посёлкаларининг ер солиғи қишлоқ хўжалик  
ерларига белгиланган ставкаларнинг икки  
баравари миқдорда ундирилади. Берилган  
ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган  
жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар  
миқдорида ундирилади.



# **Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-моддасига қўйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:**

- 1.** тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер учаскаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари; (ЎзР 25.12.1998 й. 798-I-сон Қонуни тахриридаги банд);
- 2.** маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассаслари бўйсунувидан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун; (ЎзР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни тахриридаги кичик банд);
- 3.** дехқон (фермер) хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга ;
- 4.** чет эл инвестициялари иштирокидаги , ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;

5. ногиронларнинг жамоа бирлашмалари “Нуроний” жамғармаси ва “Узбекистон Чернобилчилари” ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

6. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти “Нуроний” жамғармаси корхоналар, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан;

7. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги зарур;

8. мактабгача таълим нодавлат муассалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий техника негизини мустаҳкамлашга, асбобускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлар ва адабиёт олишга сарфласа;

9. гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

# Қуидаги жисмоний шахслар ер солиғидан

## озод қилинадилар:

- яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, меҳанизаторлари, ветеринар ва төхникалари бошқа мутахассислари ва ишчилари;
- “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Совет Иттифоқи Қаҳрамони”, “Меҳнат Қаҳрамони” унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва Қатнашчилари;
- хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган Ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган Ҳарбий хизматга мажбурлар;

- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оиласари хизмат муддатига;
- I ва I груп ногиронлари;
- ёлғиз пенсионерлар;
- боқувчисини йўқотган кўп болали оиласар;
- концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;
- кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача;
- гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган жисмоний шахслар.

Ер солиғини  
ҳисоблаб чиқариш  
ва тўлаш тартиби  
тўғрисидаги  
йўриқнома  
Ўзбекистон  
Республикасининг  
Солиқ кодексига,  
Ўзбекистон  
Республикасининг  
“Давлат солик  
хизмати  
тўғрисида”ги  
Қонуни 7-  
моддасига  
мувофиқ ишлаб  
чиқилган.

Унга кўра ***ер солиғини тўловчилар***  
Кўйидагилар:

- Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер учаскаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилари;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар (савдо корхоналари бундан мустасно) ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар. Мазкур бандга мувофиқ ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорларига кўра ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ижара ҳақи тўлайдилар;
- Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим;
- Ер ижарачиларининг ҳисоби, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибдга мувофиқ амалга оширилади;
- Ягона солиқ тўлови тўлайдиган микро фирмалар ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

**Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ ҳўжалик жойлари учун белгиланган *ер солиғи ставкаларига қўйидаги коеффициентлар қўлланади:***

- Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада -1.30;
- Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада -1.20;
- туман марказлари атрофида 10 км лик айланада -1.15;
- бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланади -1.10.
- Ер учаскаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари билан белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коеффицент қабул қилинади.
- Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларини белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар , ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зonasига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.

# *Фойдаланилган адабиётлар:*

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (асосий қонун).
- Т; Ўзбекистон, 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунлари 19-жилд. Т; Адолат, 1998.
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Давлат ер кадастри тұғрисида. Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунлари 19 – жилд. Т; Адолат 1998».
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 31– декабридаги 543 – сонли Қарори «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тұғрисида. Т; Вазирлар Маҳкамаси, 1999».
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида Т; Шарқ, 1997.
- Каримов И.А. Иқтисодиётни әркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Т; Шарқ, 2002.
- Интернет маълумотлари:
  - [www.google.uz](http://www.google.uz)
  - [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)



Эътиборингиз учун ташаккур !